

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби директори в.в.б.**



P.P. Xasanov
«Ру» 09 2020 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҶТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БИЗНЕС ВА
ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ МАГИСТРАТУРАСИГА КИРУВЧИ
НОМЗОДЛАР УЧУН СУХБАТ СИНОВЛАРИ
ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ 2020

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига кириш бўйича “Суҳбат” дастури Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Илмий кенгаши мажлисининг “30”
сенинг 2020 2020 йилдаги 1 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

Суюнов Д.Х. - “Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири в.б.

Хусаинов Ш.А. – таълим тизимини методик таъминлаш бўлими

Тақризчилар:

Хошимов Э.А. – “Стратегик ва молиявий менежмент” кафедраси мудири в.б.

Холбаев Б.А. – “Инвестициялар ва лойиҳа бошқаруви” кафедраси мудири в.б.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4653-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилдаги 30 июлдаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 460-сон қарорлари билан **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб)** олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек замонавий таълим стандартларига жавоб берадиган, республика иқтисодиёт соҳалари бўйича иқтисодиётини ривожлантириш муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, шунингдек тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳаларида бошқарув кадрлари, (“Бизнесни бошқариш” (Master of Business Administration-MBA) мутахассислиги бўйича икки йиллик ва “Лойиҳа бошқаруви” (Project Management) мутахассислиги бўйича бир йиллик таълим дастури бўйича, хўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг чуқур қасбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган ходимларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш сұхбатнинг мақсади ҳисобланади.

Сұхбат шаклидаги синов (“Бизнесни бошқариш” (Master of Business Administration-MBA) ва “Лойиҳа бошқаруви” (Project Management) мутахассисларни бўйича магистратурага кириш учун номзод (кейинги ўринларда – номзод) саралашнинг босқичларидан бири ҳисобланади. Сұхбат ёрдамида номзоднинг бошқарувдаги профессионаллиги, тизимли фикрлаши, етакчилик лаёқати, қадриятларга муносабати ҳамда ўзгаришларга мослашувчанилиги каби сифатлари аниқланади ва баҳоланади.

Ушбу дастур саралаш синовларининг сұхбат шаклида номзодга қўйиладиган асосий талабларнинг мазмунини белгилайди ва номзодлар учун сұхбат синовига тайёргарлик кўриш йўналишларига доир маълумотларни беради.

Олий мактабга киришга номзодлар сұхбат мобайнида тақдим этилган бошқарувга доир муаммоли вазият (кейинги ўринларда - кейс) ларни таҳлил этиш орқали бошқарувнинг қонуниятлари, талаб ва тамойиллари, функция ҳамда вазифаларини, шунингдек, бошқарув тизимида раҳбарнинг ўрни, маданияти ва услуги, бошқарув самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи бошқарув қарорларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича билим ва кўникмаларини намоён қилишлари талаб этилади.

Дастур Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратураси ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларига кириш учун сұхбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида ишлаб чиқилган ва соҳа эксперталарининг тақризидан ўтган.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясига доир йўналиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони билан белгилаб берилган мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши. Номзодларга берилиши мумкин бўлган саволлар йўналишлари:

- Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ килиш;
- Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишларнинг мазмун моҳияти;
- “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг асосий жиҳатлари.

II. Олий бизнес мактабига ўқишига кирувчи номзоднинг шахсий сифатлари, компетенцияларини аниқлашга доир йўналиш

Мазкур бўлимда сухбат комиссияси аъзолари томонидан номзоднинг бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқариш соҳасида муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур бўлган компетенцияларнинг шаклланганлиқ даражасини аниқлаш мақсадида саволлар берилади. Номзодларга берилиши мумкин бўлган саволлар йўналишлари:

- қадриятлар (ватанпарварлик, ташаббускорлик, фидоийлик, садоқат, касбий ўсишга интилиш, ўз устида доимо ишлаш ва бошқалар);
- шахсда лидерлик сифатларининг ривожланганлиги (бошқаларни мотивация кила олиш, мустақил қарор қабул қилиш, коммуникативлик, ишонтириш қобилияти, нутқ маданияти, ташқи кўринишининг бежириклилиги, ходим ва инсоннинг гўзаллиги);
- бошқарув кадрларида профессионализмининг ривожланганлиги (мақсад қўя олиш, вазиятни таҳлил қилиш, ташкиллаштириш, режалаштириш ва унинг ижросини таъминлаш, шунингдек назоратни амалга ошириш);
- тизимли фикрлаш даражасининг ривожланганлиги (мустақил фикрлаш, вазиятни таҳлил қила олиш қобилияти, уни компонентларга ажратиб ўрганиш ва улар ўртасидаги алоқани топиш, глобал мухитни тасаввур эта олиш қобилияти);
- ўзгаришларга мослашувчанлик (фавқулодда вазиятларда жамоани бошқариш, стресс ҳолатларда ўзини йўқотмаслик, бардошлилик, оғир, ноаниқлик ва зиддиятли вазиятларда қарорлар қабул қила олиш, ўзгаларни тинглай олиш ва янги инновацион ғояларни излашга мойиллик, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш);
- номзод томонидан муаммоли вазиятни яхлит ҳолда таҳлил қила олиши, муаммони тўлиқ аниқлай олиш қобилияти, муаммога ҳар томонлама, комплекс тарзда ёндашуви ҳамда муаммони тўғри изоҳ этиши, муаммони ёчимини топишда унинг конуний жиҳатларни ҳисобга олиши, қарор қабул қилиш жараёнидаги қадриятлар ва ахлоҳий мейърларга таяниши;
- номзод таклифларининг бошқарув талаб ва тамойиллари билан асосланганлик даражаси ҳамда амалга оширилаётган ёчимнинг ижро механизми ва унинг назорати, муаммоли вазиятни ҳал этишдаги номзод таклифларининг хукукий ва иқтисодий асосланганлиги ва бошқарув талабларига мослиги, номзод

қарорининг ижросини таъминлаш ва назоратни такомиллаштириш бўйича билими.

III. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти йўналиши бўйича.

Номзодларга берилиши мумкин бўлган саволлар йўналишлари:

- Тадбиркорлик ҳуқуқи ва унинг қандай асосий принциплари;
- “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган тадбиркорлик шакллари;
- Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни рўйхатга олиниши тартиби;
- Ўзбекистонда оиласи тадбиркорликни фаол ривожлантиришнинг асосий йўналишлари;
- Аҳолида тадбиркорлик кўнилмаларини шакллантириш, инсоннинг ички кучкувати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари;
- Мамлакатимиз ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш мақсадида ташкил қилинган жамғарма;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати;
- Рақамли иқтисодиётни белгилари иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий ютуқлари;
- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун яна қандай стратегик вазифалар ҳал этилиши керак.

IV. Давлат ва хўжалик бошқаруви йўналиши бўйича

Давлат ҳокимияти ва унинг белгилари. Демократик давлат. Ҳуқуқий давлат. Суверен давлат. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши ҳамда ваколатларининг тақсимланиши. Давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими. Давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти органлари тизими. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими.

Хўжалик субъектларини бошқариш механизмлари. Корпоратив бошқарув, корпоратив менежмент, лойиха бошқаруви.

V. Хўжалик субъектларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик усусларига доир йўналиш

Бошқарувдаги ижтимоий-психологик методлар инсонларнинг ижтимоий эҳтиёжларига таъсир этиш воситаси сифатида. Хўжалик ва жамоа ташкилотлари бошқаруvida ижтимоий психологик методларнинг қўлланилиш имконияти. Ишонтириш, жамоада меъёрларни яратиш, маънавий рағбатлантириш услублари самараси. Жамоадаги низолар ва уларни ҳал этиш имкониятлари, раҳбарлик услуби, жамоадаги лидерлик ва раҳбарнинг шахсий сифатлари.

Бошқарувнинг маъмурий усуслари бошқарув обьектига бевосита маъмурий таъсир ўтказиш усули сифатида. Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фармойиш, буйруқ ва кўрсатмалар.

Бошқарувнинг ташкилий усуслари бошқариш субъектининг бошқарув обьектига нисбатан ташкилий таъсир чоралари мажмуйи сифатида.

Ташкилий регламентлаш. Ташкилий меъёрлаш бошқарув объектига таъсир ўтказиш усули сифатида. Меъёрлар ва меъёрлаштириш: бошқарув органлари аппарати, уларнинг сони, бошқарувчанлиги.

Ташкилий-услубий йўриқномалар бериш. Оқилона бошқарув қарорларини излаш бўйича йўриқномалар бериш, тақсимот ва тасарруф этиш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш, бошқарув органларининг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро алоқалари бўйича. Муайян бошқарув ишларини бажариш бўйича раҳбар томонидан бериладиган йўриқномалар.

VI. Бошқарувнинг асосий функцияларига доир йўналиш

Функция бошқарув жараёни мазмунини ташкил этувчи асосий компонентлардан бири сифатида. Бошқарув функцияси бошқарув субъектининг бошқарув объектига кўрсатадиган таъсирининг фаолият соҳаси сифатида. Бошқарувда режалаштириш, шу қаторда стратегик режалаштириш, ташкиллаштириш, қарор ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш, рағбатлантириш ва назорат. Бошқарувда ресурслардан оқилона фойдаланиш. Рағбатлантириш усуллари ва улардан фойдаланиш. Мониторинг ва назоратни ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.,
2. Ўзбекистан Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси парламент хуқуқи: Ўқув қўлланма/ А.А.Тўлаганов таҳрири остида. - Т.: ТДЮИ, 2006. - 232 б.
4. Антонова Н. Б. Государственное управление. - Минск, 2012. - 440 с.
5. Асадов Ш.Ф. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма. -Т.: DeHaus Print, 2012. - 179 б.
6. Болтаев А.Р. Исполнительная власть в Республике Узбекистан. Монография. - Т.: ТДЮИ, 2006. -268 с.
7. Бурков В.Н., Коргин П.А., Новиков Д.А. Введение в теорию управления организационными системами. М.: Либроком, 2009. - 264с.
8. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси: Дарслик. Т.: Tafakkur bo'stoni, 2011. 336б.
9. Махмудов И. Бошқарув психологияси. Т.: Академия, 2005. - 160 6.
10. Махмудов И. Раҳбар шахс психодиагностикаси. Т.: Академия, 2014. 76 б.
11. Одилкориев Ҳ.Т. ва бошқалар. Икки палатали парламент. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. 2005. -344 б.
12. Хожиев Э., Исмаилова Г, Рахимова М. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма Т.: Baktria Press, 2015. 172б.
13. Холбеков А. Бошқарув социологияси. Т.: Академия, 2008. — 1356.
14. Daft R. Management. Textbook. 12th edition. – South-Western: Cengage Learning, 2010.
15. Druker P. Management. Textbook. Revised Edition. – NY: Harper Collins Publishers, 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.president.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
3. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.